Мижоз тиббий маълумотларининг махфийлик амалиёти тўғрисидаги DSHS билдиришномаси

DSHS Notice of Privacy Practices for Client Medical Information

Кучга кириш санаси: 2025-йил 1-ноябрь

DSHS сизни Тиббий суғуртани ўтказиш ва ҳисобдорлик тўғрисидаги қонун (HIPAA) бўйича махфийлик ҳуқуқларингиздан хабардор қилиши шарт. (45 CFR §164.520). DSHS «гибрид ташкилот» ҳисобланади. DSHS нинг барча қисмлари HIPAA томонидан қамраб олинмаган, фақат DSHS веб-сайтидаги Соғлиқни сақлаш компонентлари сифатида рўйхатга олинган дастурларгина HIPAA томонидан қамраб олинган. Ушбу билдиришнома фақат мазкур қамраб олинган дастурлар томонидан хизмат кўрсатиладиган мижозларга тааллуқлидир. Ушбу билдиришнома сизнинг DSHS хизматларини олиш ҳуқуқингизга таъсир қилмайди.

Ушбу билдиришномада сизга тегишли тиббий маълумотлардан қандай фойдаланилиши ва ошкор қилиниши ҳамда ушбу маълумотларни қандай олишингиз мумкинлиги тавсифланган. Илтимос, уни диққат билан кўриб чиқинг.

PHI – бу нима?

Муҳофаза қилинадиган тиббий маълумотлар (PHI) – бу HIPAA томонидан қамраб олинган DSHS бўлимлари томонидан сақланадиган мижоз тиббий маълумотлар. PHI – бу сизнинг саломатлик мақомингиз ёки ҳолатингиз, сиз олаётган тиббий хизмат ёхуд тиббий хизмат учун тўловларга оид сиз билан боғлиқ тиббий маълумотлар. Қонунга кўра, DSHS сизнинг PHI маълумотларингизни ҳимоя қилиши шарт.

DSHS да мен ҳақимда қандай PHI мавжуд?

Сизга хизмат кўрсатишимизга ёрдам бериш учун, бизга тиббий ёки саломатликка оид маълумотларни, жумладан жойлашувингиз, молиявий маълумотлар ёки тиббий карталарингизни тақдим этишингиз керак бўлиши мумкин. Биз, шунингдек, сизга хизмат кўрсатиш ёки тиббий хизматингиз учун тўлов қилиш мақсадида бошқа манбалардан ҳам сиз ҳақингизда PHI олишимиз мумкин.

Менинг PHI маълумотларимни ким кўради?

Биз ўз ишимизни бажариш учун зарур бўлган энг кам миқдордаги PHI дан фойдаланамиз. Агар қонун рухсат берса ёки сиз розилик берсангиз, биз PHI ни бошқа дастурлар ёки шахслар билан бўлишишимиз мумкин. Мисол учун, тиббий хизматларингизни мувофиқлаштириш ва улар учун тўлов қилиш мақсадида сизнинг PHI маълумотларингиз Соғлиқни сақлаш бошқармасига ва бошқа тиббий хизмат кўрсатувчиларга берилиши ва улар томонидан ишлатилиши мумкин. Биз ўтмишдаги, ҳозирги ёки келажакдаги PHI ни бўлишишимиз мумкин.

DSHS қандай PHI ни бўлишади?

Биз фақат бошқалар ўз ишини бажариши учун зарур бўлган ва қонун рухсат берган PHI маълумотларингизни бўлишамиз. Сиз DSHS сўнгги олти йил ичида бирор мақсадда сизнинг PHI маълумотларингизни кимлар билан бўлишгани рўйхатини сўрашингиз мумкин.

DSHS қачон PHI ни бўлишади?

Хизматларни мувофиқлаштириш ҳамда даволаш, тўлов ва тиббий фаолиятни амалга ошириш учун биз PHI ни «билиш заруратиасосида» бўлишамиз. Мисол учун, биз маълумотларни қуйидагилар билан бўлишишимиз мумкин:

- Тиббий даволашни таъминлаш ва ишни юритиш (кейс менежмент) учун тиббий хизмат кўрсатувчилар билан.
- Тўловни ташкил қилиш мақсадида тиббий хизматлар учун тўлов қилишга масъул томон билан.
- Сизнинг DSHS дастурларига мувофиқ келишингизни аниқлаш учун.
- Бизнес операцияларимизни қўллаб-қувватлаш учун, масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан олаётган ёрдамингиз қонуний стандартларга жавоб беришини аниқлаш учун. Ушбу фаолиятлар маълумотларни жамлаш, рискларни бошқариш фаолияти ва аудитларни ўз ичига олиши мумкин.

DSHS қачон менинг рухсатимсиз PHI маълумотларимни бўлишиши мумкин?

Даволаш, тўлов ва тиббий фаолият учун ошкор қилишдан ташқари, DSHS айрим бошқа сабабларга кўра ҳам PHI ни сизнинг рухсатингизсиз бўлишиши мумкин. Қонунга кўра, биздан PHI маълумотларингизни бўлишиш талаб қилиниши ёки бунга рухсат берилиши мумкин. Бунга қуйидаги заруратлар мисол бўлади:

- Парваришингизда иштирок этаётган дўстингиз ёки оила аъзоингиз билан сиз ҳақингиздаги тиббий маълумотларни бўлишиш. Сиз ушбу маълумот алмашинувига эътироз билдириш ҳуқуқига эгасиз. Агар эътироз билдирсангиз, биз маълумотни ўша оила аъзоси ёки дўстингизга ошкор қилмаймиз.
- Касаллик ёки жароҳатланишнинг олдини олиш ёки назорат қилиш ёхуд туғилиш ва ўлимларни қайд этиш каби жамоат соғлиғини сақлаш тадбирлари учун соғлиқни сақлаш органлари билан бўлишиш.
- Болалар ёки катталарга нисбатан зўравонлик ёки эътиборсизлик ёхуд оиладаги зўравонлик ҳолатлари ҳақида Болаларни ҳимоя қилиш хизматлари, Катталарни ҳимоя қилиш хизматлари, полиция ёки бошқа агентликларга хабар бериш.
- Суд буйруғи, чақирув қоғози, далилларни талаб қилиш сўрови ёки бошқа ҳуқуқий жараёнлар асосида, ёхуд суд ва маъмурий иш юритиш учун ёзувларни тақдим этиш.
- Тиббиёт ходимларига лицензия берувчи ҳамда қариялар уйлари ва шифохоналар каби тиббий муассасаларни лицензияловчи ва текширувчи назорат органлари билан PHI ни бўлишиш.
- Сизга ғамхўрлик қилиш учун федерал ва штат ҳукумат агентликлари билан, агар хизматлар ёки имтиёзларга ҳақли эканингизни аниқлаш учун зарур бўлса, ёхуд қонун рухсат берган ҳолларда PHI ни бўлишиш.
- Вояга етмаганларнинг васийлари ёки ота-оналарига PHI бериш.
- Шахс ёки жамоатчилик саломатлиги ёки хавфсизлигига жиддий ва бевосита таҳдиднинг олдини олиш ёки камайтириш учун PHI ни бўлишиш.
- Айрим PHI маълумотларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан бўлишиш.
- Тадқиқот учун, тасдиқланган тадқиқот лойиҳаси доирасида, агар махфийлигингиз ҳимояланган бўлса, PHI ни бўлишиш.
- Агар сиз қуролли кучлар сафида бўлсангиз ёки фахрий бўлсангиз, айрим ҳолатларда ҳарбий маъмурлар билан бўлишиш.
- Ходимларга товон тўлаш (Workers' Compensation) агентликларига PHI бериш.
- Фавқулодда вазиятларда ёки офат оқибатларини бартараф этиш мақсадларида PHI дан фойдаланиш ёки ошкор қилиш.
- Вафотингиздан кейин PHI маълумотларингизни меросингиз бўйича қонуний вакил, коронер, дафн маросими директори ёки орган трансплантацияси ташкилоти билан бўлишиш.
- Қонун томонидан рухсат берилганда ёки талаб қилинганда

Моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бузилишларни (SUD) даволаш қайдлари

Сизнинг розилигингиз бўлмаса ёки 42 C.F.R. 2-қисм (Part 2) қоидалари рухсат бермаса, биз моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бузилишларни (SUD) даволаш қайдларини бўлишмаймиз. Агар биз 2-қисмга оид қайдларингизни бошқа бировдан, масалан, SUD бўйича провайдерингиздан олсак, HIPAA доирасида рухсат берилган ҳолларда ушбу қайдларни ошкор қилишимиз мумкин. Бироқ, сизнинг ёзма розилигингиз бўлмаса ёки суд буйруғига жавобан бўлмаса, биз SUD қайдларини сизга қарши фуқаролик, жиноий, маъмурий ва қонунчилик жараёнлари учун ошкор қилмаймиз.

Агар PHI маълумотларим бошқа бировда бўлишини хоҳласам-чи?

Ушбу билдиришномада кўрсатилмаган айрим маълумот алмашинувлар учун сизнинг рухсатингиз талаб қилинади. Биз сизнинг ёзма рухсатингизсиз PHI маълумотларингиздан маркетинг учун фойдаланмаймиз ёки PHI маълумотларингизни сотмаймиз. Қуйидаги ҳолларда PHI маълумотларингизни бўлишишимизга рухсат бериш учун сиздан ваколат шаклини имзолаш сўралади:

- Хизматлар ёки ёрдам кўрсатиш учун рухсатингиз керак бўлса;
- Психотерапия қайдларини бўлишиш учун рухсатингиз керак бўлса;
- PHI маълумотларингизни рухсатингизсиз қонун рухсат бермаган сабабларга кўра бошқа агентлик ёки провайдерга юборишимизни хоҳласангиз; ёки
- PHI бошқа бировга, масалан, адвокатингиз, қариндошингиз ёки бошқа вакилга юборилишини хоҳласангиз.

PHI ни бўлишишга берган рухсатингиз шаклда кўрсатган тугаш санасигача амал қилади. Биз фақат сиз рўйхатда келтирган PHI ни бўлиша оламиз. Сиз DSHS га ёзма мурожаат қилиш орқали ушбу рухсатни бекор қилишингиз ёки ўзгартиришингиз мумкин.

Мен PHI маълумотларимни кўришим мумкинми?

Сиз PHI маълумотларингизни қоғоз ёки электрон шаклда кўришингиз мумкин. Агар сўрасангиз, сизга PHI нусхаси берилади. DSHS нусхалар учун сиздан асосли тўлов ундириши мумкин.

PHI маълумотларим ошкор қилинган ҳолатлар рўйхатини олишим мумкинми?

Сиз ҳисобот олиш ҳуқуқига эгасиз, бу сўнгги олти йил ичида PHI маълумотларингиз ошкор қилинган ҳолатлар рўйхатидир (даволаш, тўлов, операциялар учун ёки сизнинг рухсатингиз билан ошкор қилинган ҳоллар бундан мустасно). Агар ҳар қандай 12 ойлик давр ичида бир маротабадан ортиқ ҳисобот сўрасангиз, DSHS сиздан асосли тўлов ундириши мумкин.

PHI маълумотларимни ўзгартиришим мумкинми?

Агар PHI нотўғри деб ҳисобласангиз, биздан ёзма равишда PHI ни ўзгартириш ёки янгисини қўшишни сўрашингиз мумкин.

Биз сўровни кўриб чиқамиз, лекин розилик беришга мажбур эмасмиз. Шунингдек, сиз ўзгаришларни PHI нусхаларига эга бўлган бошқа шахсларга юборишимизни сўрашингиз мумкин.

PHI ни бўлишишга ва уни олиш усулига чекловлар қўя оламанми?

Сиз биздан ёзма равишда PHI дан фойдаланиш ва бўлишишни чеклашни сўрашингиз мумкин, аммо биз рози бўлишга мажбур эмасмиз. Шунингдек, сиз PHI маълумотларингизни сизга бошқа форматда ёки бошқа манзилга юборишимизни сўрашингиз мумкин.

Махфийликнинг бузилиши нима?

Махфийликнинг бузилиши – бу HIPAA қоидаларида рухсат этилмаган ҳолда PHI дан фойдаланиш ёки уни ошкор қилиш, жумладан ўғирлик, хатолик ёки ҳакерлик ҳужуми туфайли йўқотишдир. Агар HIPAA доирасида PHI махфийлиги бузилса, биз сизга почта орқали хабар берамиз.

Ушбу махфийлик билдиришномасининг нусхасини олишим мумкинми?

Ҳа. Ушбу махфийлик билдиришномаси сизда қолиши учун берилади. Агар сиз ушбу билдиришномани электрон шаклда олган бўлсангиз, қоғоз нусхасини сўрашингиз мумкин ва биз уни сизга тақдим этамиз.

Агар PHI махфийлик амалиётлари ўзгарса-чи?

Биз ушбу билдиришномага риоя қилишимиз шарт. Биз ушбу билдиришномани ўзгартириш ҳуқуқига эгамиз. Агар қонунлар ёки махфийлик амалиётларимиз ўзгарса, биз ушбу билдиришномани янгилаймиз ва сизга унинг нусхасини ёки янги билдиришнома ва уни қаердан топиш ҳақида маълумот юборамиз.

Ушбу билдиришнома ёки PHI ҳуқуқларим бўйича саволларим бўлса, кимга мурожаат қиламан?

Агар ушбу билдиришнома бўйича саволларингиз бўлса, DSHSPrivacyOfficer@dshs.wa.gov электрон почтаси ёки (360) 902-8278 рақами орқали DSHS Махфийлик бўйича офицерига мурожаат қилишингиз мумкин.

PHI махфийлик ҳуқуқларим бузилгани ҳақида қандай хабар бераман?

Агар PHI махфийлик ҳуқуқларим бузилган деб ҳисобласангиз, шикоят билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

The DSHS Privacy Officer, Department of Social and Health Services, PO Box 45135, Olympia WA 98504-5135 ёки DSHSPrivacyOfficer@dshs.wa.gov электрон почтасига. Агар шикоят қилсангиз, DSHS хизматларингизни ўзгартирмайди ёки тўхтатмайди ҳамда сизга нисбатан жавоб қайтармаслиги шарт.

ЁКИ

Шикоятингизни онлайн тарзда: https://ocrportal.hhs.gov/ocr/cp/complaint_frontpage.jsf манзилида ёки ёзма равишда: Office for Civil Rights, US Department of Health and Human Services, 200 Independence Avenue, S.W., Room 509F HHH Bldg., Washington, D.C. 20201, телефон (800) 368-1019. DSHS га юбориладиган ҳар қандай шикоятлар даъво қилинаётган махфийлик бузилишидан кейин 180 кун ичида амалга оширилиши керак.